

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМАНОВ МУХАММАДЖОН ҒУЛОМЖОНОВИЧ**

**МУҚОБИЛСИЗ ЛЕКСИКАНИНГ СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютар лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 811.512.133'373  
811.111'373

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Philological Sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

<b>Абдурахманов Муҳаммаджон Гуломжонович</b> Муқобилсиз лексиканинг семантик-функционал хусусиятлари.....	3
<b>Abdurakhmanov Mukhammadjon Gulomjanovich</b> Semantic and functional features of non-equivalent vocabulary .....	27
<b>Абдурахманов Муҳаммаджон Гуломжонович</b> Семантико-функциональные особенности безэквивалентной лексики .....	51
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> List of published works	
Список опубликованных работ.....	55

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМАНОВ МУХАММАДЖОН ҒУЛОМЖОНОВИЧ**

**МУҚОБИЛСИЗ ЛЕКСИКАНИНГ СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Fil.2335 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси иши Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рустамов Дилшодбек Абдувахидович  
филология фанлари доктори

Одилов Ёрқин Раҳмоналиевич  
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “17” XII соат 100 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 161-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; Tel.: (998-69) 228-85-01, Faks: 228-85-02. Web-sayt: [www.namdu.uz](http://www.namdu.uz), e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz) факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1165 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869) 227-29-81).

Диссертация автореферати 2022 йил “7” XII куни тарқатилди.  
(2022 йил “7” XII даги 10 рақамли реестр баённомаси).



**Х.А. Жўраев**  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**И.Ў. Дарвишов**  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш котиби, PhD

**М.Ю. Сулаймонов**  
Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.н., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги ва таржимашунослигида XX аср ўрталаридаёқ муқобилсиз лексиканинг типлари, тилда юзага келишининг лингвистик ва экстралингвистик омиллари, семантик тавсифи ва таснифи, уларни таржима қилиш усуллари кенг ўрганилган. Муқобилсиз лексиканинг турлари: реалия, лакуна ва экзотик лексикага доир монографик тадқиқотлар яратилган.

Дунё тилшунослигида глобаллашув, халқлараро интеграциялашув жараёнлари, бадий, илмий таржима кўламининг ортаётганлиги тилнинг луғат таркибидаги лексик бўшлиқларни тўлдириш, муқобилсизлик масаласини ва муқобилсиз лексиканинг функционал-семантик хусусиятларини лингвомаданий, этнолингвистик, психоллингвистик, когнитив ва прагматик ёндашувларда ўрганишни талаб этмоқда.

Бугунги кунга келиб Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”<sup>1</sup>лиги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланиши, мамлакатимизда илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, ўзбек тилини тубдан ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар тилнинг, жумладан, унинг барча лексик бирликларини ўрганишни янги босқичга кўтариш заруратини юзага келтирди. Ўзбек тилида муқобилсиз лексика ўзининг лексик-семантик ва функционал хусусиятлари билан алоҳида ўрин тутди, бироқ унинг лисоний белги-хусусиятлари махсус ўрганилмаган. Шу жиҳатдан муқобилсиз лексиканинг семантик, функционал ва услубий хусусиятларини ўрганиш ҳам долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4997-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017, 23 декабрь. – №258.

тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослигида ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб муқобилсиз лексика ўрганиб келинмоқда. Дастлаб рус олими Г.П.Шатков рус тилидан норвег тилига таржима қилинган асарларда қўлланган муқобилсиз лексикани тадқиқ этган,<sup>2</sup> Р.Якобсон муқобилсизлик ва тил коди (мулоқот анъаналари ва тил меъёрлари) хусусиятлари масаласига эътибор қаратган<sup>3</sup>, А.В.Федоров, А.Д.Швейцер, Я.И.Рецкер, Л.С.Бархударов, С.Влахов ва С.Флорин тил ва таржимада муқобиллик ҳамда муқобилсизлик масалаларини<sup>4</sup>, Е.М.Верещагин ва В.Х.Костомаровлар эса тил ва маданият муносабатларида муқобилсизлик муаммосини ўрганишган<sup>5</sup>. А.О.Иванов инглиз ва рус тиллари мисолида муқобилсиз лексикани таснифлаш ва таржима қилиш муаммоларини<sup>6</sup>, А.Х.Гатилова муқобилсиз лексиканинг семантик таснифи<sup>7</sup>, Л.Х.Самситова коннотатив, фондаги сўзлар<sup>8</sup> масаласини тадқиқ этишган. Сўнгги йилларда лакуна ва лакунарлик борасида Е.А.Эйнуллаева<sup>9</sup>, Ю.Ю.Липатова<sup>10</sup>лар изланишлар олиб боришди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам муқобилсиз лексиканинг тур ва типлари, хусусан, реалиялар *хос сўзлар* термини остида Ғ.Саломов<sup>11</sup>, рус тилидаги муқобилсиз лексиканинг структур-семантик қирралари Д.Ў.Ҳошимова<sup>12</sup>, қўлланма сўзларнинг лисоний белги-хусусиятлари Э.А.Бегматов, диний матнларга хос экзотик лексика Н.М.Улуқов<sup>13</sup> томонидан тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда муқобилсизлик масаласига лингвокультурологик нуқтаи назардан ёндашув қамрови кенгайди. Муқобилсиз лексика лингвокультурологик бирликларнинг бир кўриниши сифатида эътироф

<sup>2</sup> Шатков В. Г. Перевод русской безэквивалентной лексики на норвежский язык: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1952. – 22 с.

<sup>3</sup> Jacobson R. Linguistic Aspects of Translation // Ed. By R.Brower. – Cambridge: Mass, 1959. – P.236.

<sup>4</sup> Федоров А. В. Искусство перевода и жизнь литературы. – Л., 1983. – 303 с.; Швейцер А. Д. Перевод и лингвистика. – М.: Воениздат, 1973. – 273 с.; Рецкер Я. И. Теория перевода и переводческая практика. – М., 1971. – 244 с. Бархударов Л. С. Язык и перевод. – М., 2008. – 240 с.; Влахов С, Флорин С. Непереводимое в переводе. – М., 2009. – 360 с.

<sup>5</sup> Верещагин Е. М., Костомаров В. Х. Язык и культура // Лингвострановедение в преподавании русского языка как иностранного. – М., 1983. – 260 с.

<sup>6</sup> Иванов А.О. Английская безэквивалентная лексика и ее перевод на русский язык. – М., 1985. – 20 с.

<sup>7</sup> Гатилова А. К. Безэквивалентная лексика как понятие и явление: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1996. – 24 с.

<sup>8</sup> Самситова Л. Х. Безэквивалентная лексика башкирского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Улан-Уде, 1999. – 27 с.

<sup>9</sup> Эйнуллаева Е.А.Лакуны в структуре языковой личности и их заполнение межкультурной коммуникации (на примере английского и русского языков): Дисс... канд. фил. наук. – М., 2003. – 159 с.

<sup>10</sup> Липатова Ю.Ю.Лакуны в русском языке: диахроническое исследование на материале разновременных переводов английской литературы сер. XIX-XX вв: Дисс... канд. фил. наук. – Чебоксары, 2005. – 158 с.

<sup>11</sup> Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент, 1966. – 384 б.; Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент, 1978. – 231 б.

<sup>12</sup> Хашимова Д.У. Изучение безэквивалентной лексики русского языка: Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Ташкент, 1993. – 25 с.

<sup>13</sup> Улуқов Н. Экзотик лексика. – Тошкент: Усмон Носир медиа, 2021. – 126 б.

этилиб, Б.Р.Тажибоев ўзбек тили миллий-маданий бирликларининг ассоциатив тадқиқида<sup>14</sup> муқобилсизлик масалаларига тўхталиб ўтган бўлса, Н.Т.Досбаева таржима жараёнида муқобиллик ва муқобилсизлик, лакунарлик масалаларини<sup>15</sup>, Ш.М.Исаева Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарига муқобилсиз лексиканинг лингвомаданий жиҳатларини ўрганди<sup>16</sup>, З.Содиқов қадимги туркий реалиялар таржимаси мисолида муқобилсиз лексиканинг айрим масалаларини тадқиқ этди<sup>17</sup>, Р.Ширинова француз адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари мисолида диний реалияларнинг бадиий таржимада қайта яратиш тамойиллари таҳлили асосида муқобилсиз лексиканинг семантик ва миллий хусусиятларини<sup>18</sup>, Э.Давлятова Ғарбий Европа тилларидан ўзлашган сўзларни, А.Худойкулов рус ва ўзбек расмий ҳужжатларидаги экзотизмларни<sup>19</sup>, З.Собирова ўзбек ва инглиз тиллари туризм лексикаси таркибидаги реалиялар ва уларнинг таржимада берилиши масаласини ўргандилар<sup>20</sup>, бироқ ўзбек тилшунослигида муқобилсиз лексика муаммоси монографик планда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиши ва чет тили ўқитишнинг муаммолари” банди доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** муқобилсиз лексиканинг семантик ва функционал хусусиятларини ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон ва ўзбек тилшунослиги ҳамда таржимашунослигида муқобилсиз лексика талқинига оид қарашларни қиёсий ўрганиш ва умумлаштириш;

муқобилсиз лексиканинг ўзига хос лисоний белги-хусусиятларини изоҳлаш;

ўзлашма сўзлар ва муқобилсиз лексика муносабатини ёритиш;

муқобилсиз лексиканинг юзага келтирувчи лингвистик ва экстралингвистик омилларни очиқ бериш;

муқобилсиз лексиканинг турларини тавсифлаш ва мавзуий жиҳатдан таснифлаш, семантик-функционал ва услубий хусусиятларини ёритиш.

<sup>14</sup> Тажибоев Б. Р. Ўзбек тили миллий-маданий бирликларининг ассоциатив тадқиқи: Филол. фан. фалс. фан. док. ... дис. – Тошкент, 2020. – 134 б.

<sup>15</sup> Досбаева Н. Т. Ўзбек насрий адабиётидан инглиз тилига таржималарнинг лингвомаданий таҳлили: Филол. фан. доктори (DSs) ... диссер. автореф. – Тошкент, 2021. – 50 б.

<sup>16</sup> Исаева Ш.М. Юсуф Хос Ҳожиб асарининг инглиз ва рус тилидаги таржималарида эквиваленти бўлмаган лексиканинг лингвомаданий жиҳатлари: Филол. фан. фалс. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2022. – 59 б.

<sup>17</sup> Содиқов З. “Қутадғу билиг” таржималарининг қиёсий–типология таҳлили. – Тошкент: Фан, 2007. – 176 б.; Содиқов З. Қадимги туркий реалиялар таржимаси. – Наманган, 2021. – 98 б.

<sup>18</sup> Ширинова Р. Диний реалияларни бадиий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари (француз адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2002. – 133 б.

<sup>19</sup> Давлятова Э. Мустақиллик даври ўзбек тилидаги Ғарбий Европа ўзлашмаларининг маданиятлараро тадқиқи: Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. – Термиз, 2021. – 58 б.; Худойкулов А. Рус ва ўзбек расмий ҳужжатларида инглизча ўзлашмалар (ўтмиш ва ҳозирги замон ҳолати): Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 54 б.

<sup>20</sup> Собирова З. Ўзбек ва инглиз тилларидаги туризм терминларининг типологияси, ўзаро берилиши ва лексикографик талқини: Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. – Бухоро, 2021.

муқобилсиз лексикага мансуб лакуна, ономастик бирликлар, фразеологизмлар, экзотик лексика, термин ва бошқа бирликларнинг функционал-семантик ҳамда миллий-маданий жиҳатларини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек ва инглиз тиллари изоҳли луғатлари, луғат-маълумотномалар, инглиз-ўзбек, ўзбек-инглиз икки тилли таржима луғатлари, оммавий ахборот воситалари материаллари, инглизчадан ўзбекчага, ўзбек тилидан инглизчага таржима қилинган бадиий асарлар.

**Тадқиқотнинг предмети** муқобилсиз лексиканинг семантик ва функционал хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Мавзуни ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, компонент таҳлил, чоғиштириш, умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

муқобилсиз лексиканинг ономастик кўламдаги лисоний мақоми, ўзлашма сўзлар билан тарихий-этимологик манбасига кўра муштарак ва функционал-семантик фарқли жиҳатлари далилланган;

муқобилсиз лексиканинг юзага келиши билан боғлиқ тиллар ҳамкорлиги, алоқаси билан боғлиқ лингвистик ва халқлараро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий экстралингвистик омиллар, таржима матнида қўлланиши билан боғлиқ функционал, услубий моҳияти очиб берилган;

муқобилсиз лексиканинг тилдаги семантик-функционал ва таржимадаги миллийлик, экспрессив-эмоционаллик, бадиийлик, тарихийлик ифодалаш билан боғлиқ услубий хусусиятлари бадиий ҳамда публицистик матнлар таржималари мисолида изоҳланган;

муқобилсиз лексиканинг лексик, фразеологик, ономастик типлари ва экзотик лексика, лакуна, термин, антропоним, топоним, гемероним, геартоним каби турларининг ўзига хос лексик-семантик ва тил ҳамда нутқдаги функционал жиҳатлари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

муқобилсиз лексиканинг бадиий ва публицистик матндаги услубий аҳамияти ҳамда лисоний вазифалари ёритилган;

муқобилсиз лексиканинг семантик хусусиятлари ва функционал имкониятлари тадқиқи орқали уларнинг тил ўргатиш амалиётида фойдаланилиши кўрсатиб берилган;

экзотик лексика, лакуна, термин, фразеологизм ва ономастик бирликларнинг муқобилсиз лексика сифатидаги миллий-маданий функционал ҳамда услубий хусусиятлари очиб берилган;

муқобилсиз лексиканинг юзага келишидаги лингвистик ва экстралингвистик омиллар таҳлили орқали тил лексик сатҳи тараққиётидаги ички ҳамда ташқи омиллар аниқланган;

муқобилсиз лексиканинг таржима матнидаги вазифаси ва услубий хусусиятлари ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация юзасидан илмий фикрларнинг тўлиқ ўрганилганлиги, тадқиқ қилинган материаллар ўзбек ва инглиз тиллари табиатидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш

имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик пухталиги, мавзу бўйича илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилганлиги, таклиф, тавсия ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек тилшунослигидаги муқобилсиз лексикага оид илмий-назарий қарашларни бойитишга, уларнинг таржима матнидаги ўрни, лингвистик хусусиятларини аниқлашда илмий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги илмий-назарий фикр ва хулосалардан “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Тилшунослик назарияси”, “Лингвомаданиятшунослик”, “Лингвоўлкашунослик”, “Матн лингвистикаси” фанлари бўйича ўқув қўлланмалар, турли типдаги луғатлар, маъруза матнлари яратишда қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Муқобилсиз лексиканинг семантик-функционал хусусиятлари бўйича олиб борилган илмий натижалар асосида:

муқобилсиз лексиканинг тилдаги семантик-функционал ва таржимадаги миллийлик, экспрессив-эмоционаллик, бадийлик, тарихийлик ифодалаш билан боғлиқ услубий хусусиятларига доир таҳлил ва талқинлардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “UzNutq Sintezator” номли компьютер дастури маълумотлар базасида ўзбек тилидаги муқобилсиз лексикани ва унга доир изоҳларни беришда BV-Atex-2018 (143) рақамли “Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш” давлат амалий гранти лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 2 июндаги 04/1-1076-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезатори мукаммалашган;

муқобилсиз лексиканинг лексик, фразеологик, ономастик типлари ва экзотик лексика, лакуна, термин, антропоним, топоним, гемероним, геартоним каби турларининг ўзига хос лексик-семантик ва тил ҳамда нутқдаги функционал жиҳатлари, қўлланишидаги ижобий ва салбий жиҳатларга доир натижалардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида OT-A1-018 рақамли “Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш” давлат амалий гранти лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 2 июндаги 04/1-1077-сон маълумотномаси). Натижада муқобилсиз лексика сирасига кирувчи банк-молия терминларининг изоҳи илмий-назарий талқинлар билан мукаммаллашган;

муқобилсиз лексиканинг юзага келиши билан боғлиқ тиллар ҳамкорлиги, алоқаси билан боғлиқ лингвистик ва халқлараро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий экстралингвистик омиллар, таржима матнида қўлланиши билан боғлиқ функционал, услубий моҳиятига доир

хулосалардан 2021-2022 йилларда “�збекистон” телеканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт”, “Миллат ва маънавият” эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилган ва муаллиф билан суҳбатлар уюштирилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 06 июндаги 04-36-824-сон маълумотномаси). Натижада радиодастурларнинг таъсирчанлиги ортган, илмий далилларга бойлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий натижалари 2 та халқаро, 7 та республика илмий ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 134 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Муқобилсиз лексиканинг назарий масалалари”** номли 1-бобида муқобилсиз лексиканинг лисоний мақоми, маъно-мундарижаси, талқини ва тадқиқи масалалари ёритилган.

Бобнинг **“Муқобилсиз лексиканинг лисоний мақоми ва ўзига хос лисоний белги-хусусиятлари”** номли 1-бўлимида муқобилсиз лексиканинг ўзига хос лисоний қирралари, тил луғат таркибидаги ўрни, ўзлашма ва қўлланма сўзлар билан боғлиқ жиҳатлари таҳлили берилган.

Тилшунослик ҳамда таржимашуносликда *эквивалент*, *эквивалентлик*, *муқобиллик* ва *муқобилсизлик*, *муқобил лексика* ва *муқобилсиз лексика* терминлари бир-бирига зид қўйилади.

*Эквивалент* (лот. *aequus* – тенг ва *valens* – қимматли, аҳамиятли) – бирор нарсанинг ўрнини боса оладиган ёки унинг ифодаси бўлиб хизмат қиладиган тенг баҳоли, тенг қимматли нарса ёки миқдор.<sup>21</sup>

Таржимашуносликка оид терминологик луғатларда *эквивалент*, *эквивалентлик* термини қуйидагича изоҳланган:

1. Эквивалент (лот. *aequivalens*; рус. *равноценное, разнозначенное*,

---

<sup>21</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 10-ж. – Б. 150.

равносильное; ўзб. *тенг баҳоли, тенг қийматли, тенг кучли*) Икки тилда, контекстсиз ҳам, маънолари бир-бирига монанд ва бир-бирини ўрнини қоплай оладиган мақол, матал ва идиомаларни эквивалент бирикма деб қабул қилинади. Эквивалент бирикмаларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин: *куй железо пока горячо – темирни қизигида бос; проходят красно нитью – қизил ип бўлиб ўтмоқ.*

2. Аслият ва таржима матнидаги лисоний бирликларнинг ўзаро ва тўла мос келиши.

Ўзбек тилида истиқлол йилларида *эквивалент, эквивалентлик* сўзлари ўрнида *муқобил, муқобиллик* луғавий бирликлари қўллана бошланди<sup>22</sup>.

Таржима назариясига доир сўнгги дарсликларда ҳам *муқобиллик, таржимада муқобиллик муаммоси, таржимада муқобиллик турлари, таржимада муқобиллик даражаси* каби терминлар фаол қўлланмоқда<sup>23</sup>.

*Муқобил* сўзи тарихий-этимологик жиҳатдан арабча бўлиб, асли *қарши турувчи, қарши, зид; ўрнини алмаштирувчи* маъноларини англатади.

Арабча *муқобил* сўздан ясалган *муқобилсиз* ва юнонча *лексика* луғавий бирликларидан ҳосил қилинган *муқобилсиз лексика* термини рус тилидан ўзлашган *безэквиваленая лексика* терминининг муқобилидир. Бу термин тилшунослик, таржимашунослик терминлари ва энциклопедик луғатларда ҳам қайд этилмаган.

*Муқобилсиз лексика* мураккаб, серқирра ҳодиса бўлиб, бир томондан, ўзлашма сўзлар қатлами билан, иккинчи томондан, қўлланма сўзлар билан боғлиқ бўлиб, таржима, асосан, бадий матнлар таржимаси билан боғлиқ ҳодиса сифатида лингвокультурологик, прагматик ёндашувни талаб этади. Айнан шунинг учун таржима билан боғлиқ лексик бирлик саналади. Шу нуқтаи назардан *муқобилсиз лексика* термини замонавий таржима назарияси, лингвокультурология ва бошқа соҳаларда фаол қўлланади.

*Муқобилсиз лексика*, муайян халқнинг тарихи, маиший турмуши, диний эътиқоди, сиёсий тузум, миллий-маданий ўзига хослиги, илм-фан тараққиётини ифода этувчи, бошқа тилга тўлиқ, айнан таржима қилиб бўлмайдиган лексик бирликлар қатламидир. Мазкур қатлам лингвокультурология, прагматика ва таржима назарияси учун ўта аҳамиятли. *Муқобилсиз лексика* муайян тил, лингвомаданиятларнинг ўзига хос миллий-маданий колоритини ифода этади. М., *Отабек меҳмонларни танчага ўтқазиб, фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради.* (А.Қодирий. Ўткан кунлар, 7-б.) *Otabek offered the guests to sit at the sandal area, and after a brief fatiha, he addressed Hasanali.* (Qodiriy A. The days Gone By, p.8.) *Бу кунги қорачопон ва қипчоқ низоларини сизга кўрсатай.* (А.Қодирий. Ўткан кунлар, 20-б.) *As an example, there is an enmity (hospitality) between Qorachopans and Qipchoks.* (Qodiriy A. The days Gone By, p. 19.)

Ёки: *Чала пишган шўрва келди, ичавердилар, домла бўлса аллақачон саллани чувалаб белига боғлаб олган.* (Ғ.Ғулом. Шум бола, 27-б.) – *Mullah*

<sup>22</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 69, 132.

<sup>23</sup> Раҳимов Ғ. Таржиманазарияси ва амалиёти. 5220100 – “Филология”; 5120201 – “Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)” йўналишлари учун дарслик-мажмуа. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – Б.52-64.

*had already tied his **salla** as a belt.* (G. Gulom. A Naughty Boy. p. 23.) *Баъзилари эшон почча дейди, баъзилари қори ака, баъзилари мулла ака дейди.* (F.Фуллом. Шум бола, 30-б.) – *Some people call me **eshon** brother in law, and some call me **Kori aka, Mulla aka.*** (G.Gulom. A Naughty Boy. p. 25.)

“Ўткан кунлар” романи таржимасида *танча, қорачопон, қипчоқ, фотиҳа* каби, “Шум бола” қиссасида *домла, салла, манти, кабоб, лағмон, эшон, қори ака, мулла ака* каби муқобилсиз луғавий бирликлар айнан таржимасиз, транскрипцияда берилган ва ўзбек лингвомаданияти, диний одатлар таъсири, тарихий-этник жараёнлар, гастрономик маданиятга хос белгиларни акс эттиришга хизмат қилган.

Тилшунослик, таржима назарияси ва амалиёти, лингвокультурология соҳаларидаги масалага доир қарашларни умумлаштирган ҳолда, муқобилсиз лексиканинг ўзига хос лисоний белги-хусусиятлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Муқобилсиз лексик бирликларни бошқа тилда семантик муқобили бўлмайди.

2. Муқобилсиз лексик бирликлар сирасига бошқа тилда семантик муқобили бўлмаган апеллятив лексика, фразеологик, паремиологик ва ономастик бирликлар, яъни оддий сўзлар, иборалар, мақол, матал ва атоқли отлар ҳамда қисқартма сўзлар киради.

3. Муқобилсиз лексик бирликларни (бир тилдан иккинчи тилга – аслият тилидан бошқа тилга) таржима қилиб бўлмайди.

4. Муқобилсиз лексика тилдаги ва таржима жараёнидаги лингвистик (лисоний) муқобилсизлик маҳсулидир.

5. Муқобилсиз сўзлар икки тил қиёсида, таржима матнлари, икки ва кўп тилли таржима луғатларида ёрқин кўринади.

6. Муқобилсиз лексикага мавзуйий жиҳатдан экзотик лексика, лакуна, вульгаризм, варваризм, жарго, арго, этнографизм ва лингвокультурема каби миллий-маданий тушунча, нарса-буюм, воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи луғавий бирликлар мансубдир.

7. Муқобилсиз лексика таржима матнларида транскрипция, транслитерация, калькалаш ва изоҳлаш усулларида берилади.

8. Муқобилсиз бирликлар таржима тилига хос ёзувда, имлонинг график, тарихий-этимологик тамойилларида берилади.

9. Муқобилсиз луғавий бирликлар бир тилдан иккинчи тилга халқлар ва миллатлараро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, миллий-маданий алоқалар, ҳамкорлик ва бадий, илмий, публицистик таржима воситасида ўтиши ҳамда ўзлашиши мумкин.

10. Муқобилсиз лексика ўзлашма ва қўлланма сўзлар қатламига мансуб бўлади.

11. Таржима матнларида муқобилсиз лексикани бериш, қўллаш, изоҳлаш таржимондан алоҳида маҳорат ва иқтидорни талаб этади.

Фикрларимизни кураш спортига хос *чала, ёнбош* каби муқобилсиз терминлар ҳам тасдиқлайди. Ҳозирги кунда кураш спорти терминологиясида фаол қўлланаётган *чала* муқобилсиз сўзи *охирига етказилмаган,*

*тамомланмаган ҳаракатни; ёнбош сўзи елкадан ошириб йиқитиладиган усул ва шу усулга берилган баҳони* англатади.<sup>24</sup>

Муқобилсиз лексика ва ўзлашма сўзлар муайян умумий жиҳатларга эга. Маълумки, дунёда соф тилнинг ўзи йўқ. Барча тиллар луғат таркибида ўзлашма сўзлар маълум даражада мавжуд.

Ўзбек тили луғат таркибида арабча, форсча, русча, европача, хитойча ва мўғулча ўзлашма сўзлар мавжуд. Ўзлашма сўзлар ҳам муқобилсиз сўзлар сирасига киради, муқобили бўлмаганлиги учун айнан ўзлашган, бироқ вақтлар ўтиши билан ўзлашма сўзга муқобил бирлик топилиши ҳам мумкин. *М., район – туман, стоянка – тўхташ жойи, мель – бўр,*

Муқобилсиз лексика ва ўзлашма сўзнинг умумий жиҳати уларнинг чет тилига мансублигидадир. Уларнинг фарқли жиҳати ўзлашма сўз бошқа тил луғат таркибидан, изоҳли луғатларидан ўрин олиши, фаол қўлланиши мумкин, муқобилсиз сўзларнинг барчаси тилга ўзлашмайди, таржима матнида қолади, яъни қўлланма сўзлардир. Демак, муқобилсиз лексик бирликларнинг барчаси тилга ўзлашмаслиги, бир қисми қўлланма сўзлигича қолиши каби жиҳатлари билан ўзлашма сўзлардан фарқланади.

Бобнинг **“Муқобилсиз лексиканинг талқини ва тадқиқи”** номли 2-бўлимида жаҳон, жумладан, рус ва ўзбек тилшунослигидаги муқобилсиз лексикага доир талқин ва тадқиқотлар таҳлили берилган, умумлаштирилган.

Тилдаги муқобилсизлик ва муқобилсиз лексика жуда қадимий ҳодиса. Бу масалани гарчи муқобилсиз сўзлар ёки лексика деб номламаган бўлса-да, тилшуносликда илк марта Алишер Навоий ўрганган. Олим бундан олти аср муқаддам ўзбек тилини ўша даврда бадий адабиёт учун анъана бўлиб қолган форс тилига қиёслаб, бу тилдан ҳеч қолишмаслигини, ҳатто баъзи ўринларда устунроқ туришини илмий жиҳатдан ҳам исботлаб бермоқни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ана шу мақсадда икки тилнинг чоғиштира грамматикасига бағишланган *“Муҳокамат ул-луғатайн”* асарини яратди<sup>25</sup>.

Алишер Навоий халқ тилидан форсий тилда муқобили бўлмаган *қувормоқ, қуруқшамоқ, ушармоқ, жийжаймоқ, ўнгдаймоқ, чекримак, думсаймоқ, умунмоқ, торикмоқ, алдамоқ, арғадамоқ, ишанмак, игланмак, айланмоқ, эрикмак, игранмак, овунмоқ, қистамоқ, қийнамоқ, қўзгалмоқ, соврилмоқ, чайқалмоқ, девдашмоқ, қийманмоқ, қизганмоқ, никамақ, сайланмоқ, танламоқ, қимирдамоқ* каби юзта феълни келтиради. Бу сўзлар олимнинг талқинича, қуйидаги хусусиятларга эга: *“Бу юз лафздурки, ҳариб мақосидадосида таъйин қилибдурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурларки, барчаси муҳтожун илайҳдурки, такаллум чоғида киши анга муҳтож бўлур. Кўпи андоқдурки, асло анинг мазмунин тафҳим қилмоқ бўлмас ва баъзиники, англатса бўлғай, ҳар лафз тафҳими учун неча лафзни таркиб қилмағунча бўлмас...”*<sup>26</sup>. Демак, юқоридаги сўзлар муайян тушунчани фикрлаш жараёнида аниқ ифодалаш эҳтиёжи туфайли яратилган, ҳар

<sup>24</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2020. 2-жилд. – Б.37.

<sup>25</sup> Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.85.

<sup>26</sup> Навоий, Алишер. *Муҳокамат ул-луғатайн*. Мукамал асарлар тўплами. – Тошкент: Фан, 2000. – 16-т. – Б.13.

бирининг тилда ўрни, маъноси бор. Бу асардаги у ёки бу сўзнинг форс тилида муқобилсизлигига доир талқинларда янада ойдинлашади: “Яна ғизо ва ҳар таомки, еса бўлур, *егулик* дерлар ва сорт элининг кўпи, балки барчаси емакни ҳам, ичмакни ҳам “хўрдани” лафзи бирла адо қилурлар”<sup>27</sup>.

Муқобиллик (эквивалентлик) ва муқобилсизлик (эквивалентсизлик) тушунчалари замонавий тилшуносликка илк бор Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровлар томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб<sup>28</sup>, мазкур масалага доир муаммолар инглиз таржимашунослиги ва тилшунослигида ҳам тадқиқ этилган. Т.Сэйвори муқобилсизлик ҳақида фикр юритиб: “Таржимада тўлдириб бўлмайдиган тиллардаги бўшлиқлар туфайли яна бир муаммо вужудга келади, чунки бир тилда таниш бўлган сўз учун бошқа бирида эквивалент топилмайди”, – деб ёзади<sup>29</sup>.

*Муқобилсиз лексика* термини илмий адабиётларда турлича тавсифланади. Муқобилсиз лексика масаласи тадқиқотчиларини шартли равишда икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Л.В.Шерба, Г.В.Шатков, А.С.Бархударовларнинг фикрига кўра, муқобилсиз лексика таржима қилинмайди ва бошқа тилда тўлиқ ёки қисман муқобилларга эга эмас.

2. Г.В. Чернов, А.О. Иванов Е.М. Верещагин ва В.Г. Костомаровлар муқобилсиз лексиканинг бошқа тил ва маданиятда баъзи бир муқобили мавжуд, деб даъво қиладилар.

А.А.Леонтьевнинг фикрича, “Муқобилсиз лексиканинг ўзига хос хусусияти доимий мослик орқали бошқа тилларга таржима қилинмаслиги, бошқа тилнинг баъзи сўзларига мос келмаслиги”дир.<sup>30</sup>

Рус тилшунослигида муқобилсиз лексиканинг лингвокультурологик хусусиятларига оид тадқиқотлар ҳам мавжуд, жумладан, Дж.А.Хоссейн рус тили муқобилсиз лексикасининг лингвокультурологик асосларини ёритган.<sup>31</sup> Маълумки, ҳеч бир тилни маданиятдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Тил нафақат жорий маданиятни, балки ўтмишдаги маданиятни ҳам ифодалаб бера олади ва буни авлоддан-авлодга етказиши. Олим ана шу хусусиятдан келиб чиқиб, рус тили муқобилсиз лексикасини бевосита шу халқ моддий ва маънавий маданияти билан боғланган ҳолда тадқиқ этади.

Тилшунослик ва таржимашуносликда *муқобилсиз лексика* термини турлича талқин этилади. Муқобилсиз лексика масаласи дастлаб Г.В.Шатков ва Г.В.Чернов<sup>32</sup> томонидан русча-норвегча ва русча-инглизча лексемалар воситасида ўрганилган. Улар муқобилсиз лексика таркибига турли луғавий бирликларни киритишган, лекин тадқиқот учун асосий материал сифатида

<sup>27</sup> Навоий, Алишер. Ўша асар, 20-б.

<sup>28</sup> Верещагин Е.М. Язык и культура / Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров. – 3-е, изд., перераб. и доп. – М., 1983. – С. 15.

<sup>29</sup> Savory T. The art of translation / T. Savory. – London, 1957. – P.14.

<sup>30</sup> Леонтьев А. А. Русский язык в современном мире. – М.: Наука, 1974. – С. 134.

<sup>31</sup> Хоссейн Дж.А. Лингвокультурологические основы изучения русской безэквивалентной лексики: С позицией носителя персидского языка: автореф. дисс. канд. наук. – М., 2004. – С. 24.

<sup>32</sup> Шатков В.Г. Перевод русской безэквивалентной лексики на норвежский язык. – М., 1952. – С. 22. Чернов Г.В. Вопросы перевода русской безэквивалентной лексики на английский язык. – М., 1958. – С. 24.

реалиялар танланган.<sup>33</sup>

Г.В.Шатков тилшунослик ва таржимашуносликда биринчилардан бўлиб “муқобилсиз лексика (эквивалентсиз лексика)” терминини қўллайди ва муқобилсизликни “бир тилдаги сўзларнинг бошқа тилда мутлақ ёки қисман мавжуд эмаслиги”, дея таърифлайди. Муқобилсиз лексика – айна тарихий даврда бошқа тилнинг лексикасида “тайёр”, аниқ муқобили бўлмаган сўз ёки унинг кўчма маъноларидан бири. Муқобилсиз лексика таркибига муаллиф атоқли отлар, реалиялар, миллий ўзига хос экспрессив бўёқдорликка эга сўзлар, субъектив баҳо шакллари, кўчма маъноли сўзларни киритади. Олим муқобилсиз лексиканинг ўзига хос тури сифатида диалектизм, архаизм ва тақлид сўзларни қайд этади<sup>34</sup>

Г.В.Чернов эса XX асрнинг 50-йиллари публицистик матнлар асосида рус тили муқобилсиз лексикасининг инглиз тилига таржимаси масалалари билан шуғулланган. Муқобилсизлик деганда муаллиф “таржима қилинадиган тилнинг луғавий таркибида лексик бирликнинг барча ёки қайсидир бир маъносининг муқобили мавжуд эмаслиги”ни тушунади.<sup>35</sup>

Муқобилсиз лексиканинг мукамал талқинини Л.С.Бархударов берган. У муқобилсиз лексика деганда, маълум бир тилдаги лексик бирликларнинг бошқа тил луғат таркибида ҳеч қандай ва баъзан қисман муқобилига эга бўлмаган ҳолатини назарда тутди<sup>36</sup>. Олим муқобилсиз лексикага атоқли отлар, корхона, ташкилот, оммавий ахборот воситалари номлари, географик номлар, реалиялар – бошқа тилда сўзловчи одамларнинг амалий тажрибасида реал ҳаётида мавжуд бўлмаган предметлар ва воқеа-ҳодисаларни билдирувчи сўзларни, “тасодифий лақналар”ни киритади. Мисол сифатида инглиз тилида немис ва француз тили луғатларида рус тилидаги “сутка” сўзининг маъносига мос келадиган лексик бирлик йўқ ва бу тушунчани немис ва француз тилларига изоҳлаб ўгиришга тўғри келади ёки соатлар миқдорига ишора қилиш йўли билан, масалан, “24 Stunden”, “les 24 heures” ёки ҳаракатнинг узлуксизлиги, кечаю-кундуз давом этиши таъкидланса, “Tag und Nacht”, “jour et nuit” сўз бирикмалари билан ишлатилишини кўрсатиб ўтади

Л.С.Бархударовнинг фикрича, “муқобилсиз лексика” термини фақатгина у ёки бу лексик бирликнинг бошқа тил луғавий таркибида ифодаловчи мавжуд эмаслигини кўрсатади.<sup>37</sup>

В.Н.Крупнов муқобилсиз лексикага доир изланишлар олиб борган бўлса-да, унинг моҳиятини тўла очиб бермайди ва муқобилсиз лексикани “айни таржиманинг ривожланиш босқичида муқобилига эга бўлмаган, предмет, жараён ва ҳодисаларни англатувчи сўзлар ҳамда сўз бирикмалари”, дея таърифлаган. У муқобилсиз лексикани икки гуруҳга бўлади:

1. Ўгириш жараёнида таржима тилида ҳали муваффақиятли муқобили топилмаган лексик бирлик (яъни муваққат муқобилсизлик).

2. Таржима тилида умуман муқобиллари бўлмаган луғавий бирликлар, яъни муқобилсиз лексика.<sup>38</sup>

<sup>33</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: 1969. – С.381

<sup>34</sup> Шатков В. Г. Перевод русской безэквивалентной лексики на норвежский язык. –М., 1952. – С. 57-58

<sup>35</sup> Чернов Г. В. Вопросы перевода русской безэквивалентной лексики на английский язык. – М., 1958 – С. 3.

<sup>36</sup> Бархударов Л. С. Язык и перевод. – М., 1975. – С. 94-95.

<sup>37</sup> Бархударов Л.С.Теория перевода и переводческая практика. –200 с.

Ўзбек олимлари томонидан муқобилсиз лексика тилшунослик ва таржима назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Бу борада дастлабки фикрлар Ғ.Саломовга тегишли. Олим муқобилсиз лексика сирасига кирувчи реалія масаласига илмий муносабат билдирган. Жумладан, олим реаліяларни “хос сўзлар” сифатида қайд этиб, улар миллий ва маҳаллий колорит компоненти эканлигини таъкидлайди<sup>39</sup>.

Р.Файзуллаеванинг диссертациясида ҳам муқобилсиз лексика, жумладан, реалія муаммосига муносабат мавжуд<sup>40</sup>.

Муқобилсиз лексика таркибига кирувчи реаліяларнинг лисоний хусусиятлари, варваризм, экзотизм, локализм, лакунеологизм, коннотация ҳодисаларидан фарқли жиҳатлари, муқобилсиз лексика доирасидаги ўрни каби масалалар З.Содиқов томонидан махсус ўрганилган<sup>41</sup>.

Муқобилсиз лексикага тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашув Э.Бегматов ва Н.Улуқов тадқиқотлари билан боғлиқ. Э.Бегматов *қўлланма сўзларни* 2 гуруҳга ажратади:

1. Экзотик лексика ёки экзотизмлар.

2. Киритма сўзлар ва иборалар, яъни чет тили киритмалари.<sup>42</sup>

Муқобилсиз лексикага мансуб ўзбекча диний матн экзотизмлари Н.Улуқов томонидан тадқиқ этилган.<sup>43</sup>

Сўнгги пайтларда ўзбек тилшунослигида лингвокультурологияга оид адабиётларда муқобилсиз лексика таҳлиliga ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда ва миллий ўзига хос лексик бирликлар қаторида қайд этилмоқда. Жумладан, А.Маматов томонидан эквивалентсиз сўзлар экзотизмлар деб аталиши, улар нафақат бегона маданиятни ифодалаб, уларнинг компонентларини ташкил қилиши ва изоҳлаш, балки тимсоллаштирилиши, *spiker, shilling* сўзлари Англия, *яйлов, қишлоқ, ариқ* Ўрта Осиё халқлари маданияти билан мустаҳкам боғланиши; *сакура, икебана* – япон маданиятининг белгилари, *баз, курен, майдан* – Дон казаклари турмушига оидлиги қайд этилган.<sup>44</sup>

Н.Досбаева таржимада эквивалентсизлик ҳамда унинг назарий асосларини лингвомаданий аспектда ўрганди. Айниқса, олиманинг лакуна ва лакунарлик хусусидаги фикрлари аҳамиятли.<sup>45</sup>

Муқобилсиз лексикага тилшунос, таржима назарийчилари ва лингвоўлкашунослик бўйича мутахассислар томонидан тақлиф этилаётган таърифлар ва талқинлар ўртасидаги фарқ шундаки, лингвоўлкашунослик соҳасидаги мутахассислар муқобилсиз лексика тушунчасига дидактик нуқтаи назардан ёндашадилар ва мазкур лексик бирликларни шарҳлаш зарур, деб ҳисоблайдилар. Лингвоўлкашунослик учун муқобилсиз лексик бирликнинг

<sup>38</sup> Крупнов В. Н. В творческой лаборатории переводчика: Очерки по проф. переводу. – М. Междунар. отношения, 1976, – 154 с.

<sup>39</sup> Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 231 б.

<sup>40</sup> Файзуллаева Р. Научный колорит и художественное произведение. АКД. – Ташкент, 1972.

<sup>41</sup> Содиқов З. Қадимги туркий реаліялар таржимаси. – Наманган, 2021. – 120б.

<sup>42</sup> Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б.46

<sup>43</sup> Улуқов Н. Экзотик лексика. – Тошкент, 2011. – Б. 39

<sup>44</sup> Маматов А. Замонавий лингвистика. –Тошкент, 2019. – Б. 43.

<sup>45</sup> Досбаева Н. Т. Ўзбек насрий адабиётидан инглиз тилига таржималарнинг лингвомаданий таҳлили: Филол. фан. док. (DSs) ... диссер. автореф. – Тошкент, 2021. – 50 б.

мазмунни, яъни сўзнинг ички тузилиши муҳимдир, таржима назарияси ва амалиёти учун эса, муқобилсиз лексик бирликларнинг бошқа тилга қандай воситалар ёрдамида таржима қилиниши, яъни ташқи тузилиши, ифода тузилишини ўрганиш бош мезондир. Демак, муқобилсиз лексика тиллар алоқаси, бадиий таржима, таржима назарияси, матн прагматикаси, лингвокультурология, этнолингвистика учун аҳамиятли, серқирра лисоний ҳодиса ҳисобланади. Бундай лексемалар ўзига хос мазмуний мундарижага, услубий хусусиятларга эга бўлади. Муқобилсиз лексика лингвистика, таржима назарияси ва амалиёти ҳамда лингвоўлкашунослик каби фанларнинг тадқиқот предмети ҳисобланади.

Диссертациянинг 2-боби “**Муқобилсиз лексиканинг тавсифи ва таснифи**”га бағишланган. Бобнинг 1-бўлимида “**Тилнинг луғат таркибида муқобилсиз лексика ва унинг юзага келтирувчи лингвистик ҳамда экстралингвистик омиллар**” таҳлил қилинган.

Маълумки, тил тараққиёти ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Тил тараққиётининг ички омиллари тил сатҳларининг ўз манбаларига асосланса, ташқи омиллар халқлар, тиллараро муносабат ва ҳамкорлик жараёнидаги лингвистик ва экстралингвистик жиҳатларга боғлиқдир. Шунингдек, тил тараққиётида умумий ва хусусий қонуниятларни кузатиш мумкин.

Муқобилсиз лексиканинг юзага келиши бир қатор лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан боғлиқ. В.Н.Крупновнинг фикрича, “муқобилсиз лексиканинг юзага келиши биринчидан, у ёки бу сабаб билан таржима этилаётган тилда ягона ва доимий муқобиллик йўқлиги ва иккинчидан, таржима қилинаётган тилда муайян лексик бирликнинг йўқлиги (ўша тушунчаларнинг мутлақ мавжуд эмаслиги) билан изоҳланади”<sup>46</sup>. Мазкур талқин таржима масалалари, шунингдек, типологик ва қиёсий характердаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи барча олимларнинг ишларида кузатилади.

Н.Досбаева тўғри таъкидлаганидек, “Эквивалентсиз лексика масаласининг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири ушбу гуруҳдаги сўзларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлашдир”.

Г.В.Черновнинг фикрига кўра, муқобилсиз лексик бирликларнинг юзага келишидаги асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

1. Таржима тили эгалари (халқ)нинг ҳаётида муайян предмет, ҳодисаларнинг мавжуд эмаслиги.

2. Айнан ўхшаш тушунчанинг йўқлиги.

3. Тилга хос лексик ва услубий (стилистик) хусусиятларнинг фарқланиши<sup>47</sup>.

Таржима тилида муайян тушунчанинг мавжуд эмаслиги, айнан ўша предметнинг йўқлиги ёки таржима тилидаги сўзнинг маъноси аслият тилдаги сўз маъноси билан мос келмаслиги таржима нуқтаи назаридан унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас. Г.В.Чернов бу ҳодисани муқобилсиз тушунчалар

<sup>46</sup> Крупнов В.Н. В творческой лаборатории переводчика: Очерки по профессионального перевода. – М., 1976. – 154 с.

<sup>47</sup> Чернов Г.В. Вопросы перевода русской безэквивалентной лексики на английский язык. – М., 1958. – С. 24

сифатида эмас, балки лексик бирликлар мазмунининг тафовути сифатида ўрганилса, тўғри бўлади, деб ҳисоблайди.

Л.К.Латишевнинг қарашича, лексик эквивалентсизлик иккита сабабга асосланган бўлиб, биринчи ва энг асосий сабаб шундан иборатки, аслият тили эгаларига яхшигина маълум бўлган ҳодиса ёки тушунча лексик тизимда ўз аксини топган, аммо у таржима тили вакилларига таниш эмас, ёки кам миқдорда таниш ҳамда ушбу тилнинг лексик тизимида акс этмаган бўлади. Эквивалентсизликнинг ушбу категориясини муаллиф “хос сўзлар” деб атайди ва бу гуруҳга фақатгина бир жамият вакилларининг моддий ва маънавий ҳаётига хос бўлган ва бошқаларникида мавжуд бўлмаган ҳодиса ва объектларни киритади. Эквивалентсизликнинг иккинчи сабаби сифатида олим турли тил эгаларининг оламни турлича кўришларида деб билади .

Бизнинг фикримизча, гап муқобилсизлик пайдо бўлишининг асосий сабаблари ҳақида кетар экан, унинг барча жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Г.В.Чернов муқобилсиз лексиканинг вужудга келиши билан боғлиқ барча омилларни тўғри ва асосли қайд этган.

А.О.Ивановнинг фикрича, “одатда бундай сабабларга қуйидагиларни киритишади ва айнан шу сабаблар асосида, шунингдек, эквивалентсизлик типлари ҳам таснифланади:

таржима тилининг халқи ҳаётида нарсанинг, ҳодисанинг мавжуд эмаслиги (моддий эквивалентсизлик);

таржима тилида айнан ўхшаш тушунчанинг йўқлиги (лексик-семантик эквивалентсизлик);

лексик-стилистик характеристикалар турлилиги (стилистик эквивалентсизлик)”<sup>48</sup>. Олим бу сабабларни санаб ўтар экан, шуни таъкидлайдики, эквивалентсизликнинг моддий ва лексик-семантик турлари ўртасидаги фарқ муҳим эмас, чунки таржима тилида айнан ўхшаш тушунчанинг мавжуд бўлиши чуқур аҳамият касб этмайди.

Таҳлил ва далиллардан кўринадики, А.О.Иванов муқобилсизлик ва муқобилсиз лексиканинг юзага келиши борасида Л.С.Бархударов таснифини маъқуллайди ва муқобилсизлик сабабларини аниқлашда энг мақбул вариант семиотик тасниф эканлигини таъкидлайди<sup>49</sup>.

Ҳар қандай тилда муқобилсиз лексик қатлам мавжуд. Бу қатлам юқоридаги омиллар ва турли манбалар асосида бойиб, такомиллашиб боради. Халқлар, миллатлараро сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар, ҳамкорлик, жумладан, таржима, яъни публицистик, бадий матнлар таржимаси тилда муқобилсиз лексиканинг юзага келишида манба вазифасини бажаради. Чунончи, газета ва журналлар ўзбек тилига инглиз, рус, немис, испан, араб, форс-тожик ва бошқа тиллардан жуда кўп муқобилсиз сўзларнинг кириб келишига восита бўлган ва бўлмоқда.

Муқобилсиз лексиканинг юзага келишида экстралингвистик омилларнинг ўрни катта, чунки турли халқ, жамият, миллат, мамлакат ва

<sup>48</sup> Иванов А.О. Безэквивалентная лексика: перевод, язык, культура: учеб. пособие. – СПб.: Филол. фак. С.-Петербур. гос. ун-та, 2006. – С.82.

<sup>49</sup> Иванов А.О. Безэквивалентная лексика. – Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский государственный университет, 2006. – С. 83.

давлатлар ўртасидаги тарихий, ижтимоий, маданий, сиёсий, иқтисодий ўзига хосликлар, техника, тараққиёти, илм-фан ривожини, дунёқараш ва миллий кадриятлар ўртасидаги тафовутлар билан узвий боғлиқ. Бу жараёнларни куйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Давлат бошқаруви ва сиёсий тизим ўртасидаги тафовутлар, ижтимоий формацияларнинг ўзгаришлар таъсирида. М., *спикер, сенатор, президент, стикер, сенат, селектор, маҳалла, овул* каби.

2. Тарихий тараққиётдаги ўзига хосликлар натижасида. М., *хон, амир, бек, рицарь, монарх, Big Ben, конгресс, лордлар палатаси, НАТО, ўрда, Кремль* каби.

3. Миллий кадриятлар, маросимлардаги ўзига хосликлар натижасида. М., *Наврўз, Halloween, Ҳолли, рожество, пасха, масленница* каби.

4. Миллий кийимлардаги ўзига хосликлар натижасида. М., *сари, дўппи, самбреро, чопон, кимоно, фрак, жинси, яктак* каби.

5. Миллий таомлар ўртасидаги тафовутлар натижасида. М., *пибимпон, ханчхонсик, кальби* (корейс таомлари), *паэлья* (испан миллий таоми), *харча* (грузин миллий таоми) каби.

6. Санъат ва маданиятдаги ўзига хосликлар натижасида: *ушоқ, мақом, сибизга, балалайка, лазги, лезгинка, реп, рок, поп, мюзик, икебана* каби.

7. Техника тараққиёти натижасида: *ноутбук, айфон, смартфон, фейсбук, гугль, онлайн, электромобиль* каби.

8. Ишлаб чиқаришнинг тараққиёти, турли корхона, муассаса, завод, фабрика кабиларга асос солиниши, янги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ тарзда янги атоқли номларнинг юзага келиши. М., *Samsung, Hyundai-Kia, Daewoo, Damas, Tico, Apple, Sony, Tesla, Artel, Ford, Ferrary* каби.

9. Жамиятда муайян тилга бўлган эътиборнинг кучайиши ва бошқа экстралингвистик омиллар таъсирида. М., *маркет, супермаркет, маклер, пайнет* каби.

10. Мамлакатлар, халқлар ўртасидаги фаол муносабатлар, айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали алоқаларнинг мавжудлиги маҳсули сифатида. М., *электрон почта, телеграмм, зоом, платформа* каби.

Бобнинг иккинчи бўлимида “**Муқобилсиз лексиканинг тип (тур)лари**” ёритилган.

Муқобилсиз лексика таркибига кирувчи лисоний бирликлар таҳлили уларнинг бир неча типларга ажратиш зарурлигини кўрсатади. Бу жараён тилшунослик ва таржимашуносликка оид тадқиқотларда муайян даражада амалга оширилган.

Л.С.Бархударов муқобилсиз лексика сирасига куйидаги уч турдаги луғавий бирликларни киритади:

1. **Атоқли отлар, географик номлар, муассаса, ташкилот, газета номлари ва бошқалар.** Муқобилсиз лексика деганда нафақат кам маълум бўлган исмлар ва фамилиялар, балки ички шаклга эга бўлган, яъни мотивлашган исмлар, биринчи навбатда, “тапирувчи исмлар” тушунилади: *Молчалин, Скотиник, унтер Пришибеев* каби.

**2. Реалиялар** – бошқа тилда сўзлашувчи кишиларнинг амалий тажрибасида мавжуд бўлмаган нарса, тушунча ва ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар, масалан, миллий таом номлари, кийимлар, яъни моддий ва маънавий маданият объектлари.

**3. “Тасодифий (лакуналар) бўшлиқлар”** – тиллардан бирининг, муайян сабабларга кўра, ўзга тилнинг луғат таркибида муқобили бўлмаган лексик бирликлари.

Олим тасодифий лакуналар деб, бир тилдаги лексик бирликларининг қайсидир сабабларга кўра бошқа тил лексик тизимида ўз лексик мувофиқликларига эга бўлмаслик ҳолатини кўрсатади.

Муқобилсиз лексика кенг қамровли бўлиб, тадқиқотчилар томонидан турлича таснифланади. А.О.Иванов муқобилсиз лексикани уч типини ажратади:

**1. Референциал-муқобилсиз лексика.** Муқобилсиз лексиканинг бу тури реалиялар; терминлар; фразеологизмлар; муаллифнинг индивидуал неологизмлари; семантик (тушунчавий) лакуналар; матнда кенг маънода қўлланилган сўзлар; маъноси таржима тилида фақат тавсифий таржима ёки турли хил трансформациялар орқали берилиши мумкин бўлган қўшма сўз (мураккаб сўз) типларини қамраб олади.

**2. Прагматик муқобилсиз лексика.** Муқобилсиз лексиканинг бу турига қуйидаги бирликлар мансубдир:

а) ҳудудий ва маҳаллий диалектизмлар, жаргонлар, арголар, табулашган сўзлар, архаизмлар, поэтизмлар ва бошқалар;

б) референт маъносини етказиш одатда қийин бўлмаган чет тилга хос қўшимчалар;

в) қўлланиши ҳар доим ҳам таржима тилидаги маъно тузилишига мос келмайдиган қисқартма (аббревиатура)лар;

г) субъектив баҳо ифодаловчи сўзлар;

д) ундовлар;

ж) тақлид сўзлар;

